

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

**АБДУРАХМОНОВ ИЛХОМЖОН АДХАМОВИЧ**

**ҒЎЗАНИ ПАРВАРИШЛАШДА ТУПРОҚҚА РЕСУРС ТЕЖАМКОР,  
КОМБИНАЦИЯЛИ МИНИМАЛ ИШЛОВ БЕРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.01—Умумий деҳқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент—2019**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of  
agricultural sciences**

**Абдурахмонов Илхомжон Адхамович**

Взани парваришлашда тупроққа ресурстежамкор, комбинацияли  
минимал ишлов бериш агротехнологиясини такомиллаштириш ..... 5

**Абдурахмонов Илхомжон Адхамович**

Усовершенствование ресурсосберегающей агротехнологии  
комбинационной минимальной обработки почвы при возделывании  
хлопчатника..... 21

**Abdurakhmonov Ilkhomjon Adkhamovich**

Improvement of resource-saving, combinational minimum soil tillage  
agrotechnology in cotton production..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published papers.. ..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

**АБДУРАХМОНОВ ИЛХОМЖОН АДХАМОВИЧ**

**ҒЎЗАНИ ПАРВАРИШЛАШДА ТУПРОҚҚА РЕСУРС ТЕЖАМКОР,  
КОМБИНАЦИЯЛИ МИНИМАЛ ИШЛОВ БЕРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.01—Умумий деҳқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2019**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Qx254 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент Давлат аграр университети Андижон филиалида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.cottonagro.uz](http://www.cottonagro.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Нурматов Шермат Нурматович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Саломов Шавкат Турабович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим  
**Ибрагимов Одилжон Олимжонович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат аграр университети**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 йил соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: [riim@agro/uz](mailto:riim@agro/uz))

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Б.М.Халиков,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
ўринбосари, к.х.ф.д., профессор

**Ф.М.Хасанова,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

**Ж.Х.Ахмедов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё пахтачилигида асосий йўналишлардан бири ресурстежовчи агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш орқали ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, пахтадан юқори ва сифатли ҳосил олишдан ташқари тупроқ унумдорлигини ошириш масаласи бўлиб, 84 та мамлакатда жами 33 млн. гектар майдонда ғўза экилади, ҳар йили 22,8 млн. тоннадан ортиқ пахта толаси етиштирилади<sup>1</sup>.

Дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида сўнгги йилларда экинларни биологик хусусиятларини эътиборга олиб, тупроқ ва иқлим шароитига мос агротехнологияларни қўллаш туфайли тупроқ унумдорлигини яхшиловчи ресурстежамкор илғор технологиялар ишлаб чиқилмоқда ва кенг жорий этилмоқда. Шунингдек, пахтачиликда ҳам замонавий техникалардан самарали фойдаланиш натижасида ерларни унумдорлик хусусиятларини сақлаш ва ошириш, далага кирадиган юқори унумли техникаларнинг кириш сонини қисқартириш натижасида тупроқнинг агрофизик, сув-физик ҳамда агрохимёвий хоссаларини яхшилаш, ғўзадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда ёқилғи-мойлаш материалларини ҳамда минерал ўғитлар миқдорини имкон қадар тежалиши ҳисобига пахта етиштиришда ишлаб чиқариш таннархининг камайишига эришилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlashда тупроққа асосий ишлов беришнинг ресурстежовчи минимал технологияларини ишлаб чиқиш, сув, минерал ўғитлар ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3. бандида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустахкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширишга қаратилган» муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган<sup>2</sup>. Шунинг билан бир қаторда тупроққа минимал ишлов бериш технологиясини қўллаган ҳолда турли тупроқ-иқлим шароитларида янги ғўза навларидан юқори ҳосил олишда мақбул кўчат қалинлиги, маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга кенг жорий этиш бўйича илмий-тадқиқотларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 январдаги 25- сонли «Фермер хўжаликларининг ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш

<sup>1</sup> <http://cotcorp.gov.in/shares.aspx>; <http://parliament.gov.uz>;

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларга мўлжалланган янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги фармони

ва қўшимча даромад олишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республиканинг турли табиий тупроқ ва иқлим шароитларида пахтачиликда тупроққа ишлов беришнинг ресурстежамкор, минимал усулларида фойдаланиш бўйича С.Рыжов, Қ.Мирзажонов, А.Қашқаров, В.Кондратюк, Ю.Погосов, В.Махмудов, О.Махмудов, Ф.Ҳасанова, А.Ҳайдаров, И.Карабаев ҳамда хорижлик олимлардан J.L.Hernanz, R.Lopez, L.Navarrete, W.H.Metzger, J.C.Hide ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Бироқ, Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг ЎзПИТИ-201 навини парвариш қилиш, юқори ва сифатли пахта ҳосили олишда ерга минимал ишлов беришнинг такомиллашган комбинацияли технологияси, яъни қатор ораси 90 см га мўлжалланган «Илғор-1» агрегати ёрдамида ишлов бериш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалининг «Истикболли ғўза навларининг ўтлоқи тупроқ шароитида навбатлаб экиш далаларида озика режимини ўрганиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-9-072-2015 «Андижон вилояти тупроқ-иқлим шароитида иқлимлаштирилган «Султон» ҳамда истикболли «ЎзПИТИ-201» навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Андижон вилояти тупроқ-иқлим шароитида ЎзПИТИ-201 ғўза навидан юқори, сифатли ва таннархи арзон пахта ҳосили етиштиришда тупроққа асосий ва экиш олдидан минимал ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш ҳамда амалиётга илмий асосли тавсиялар беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тупроққа асосий ишлов беришнинг ресурстежамкор минимал агротехнологиясини қўллашни ҳамда унинг агрокимёвий хоссаларига таъсирини ўрганиш;

ресурстежамкор агротехнологияни қўлланиши натижасида ЎзПТИ-201 ғўза навининг кўчат қалинлиги, суғориш ва озиклантириш тартибларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг агрофизикавий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

ресурстежамкор агротехнологияни ғўзани ЎзПТИ-201 навини кўчат қалинлиги, суғориш ва озиклантириш тартибларига боғлиқ ҳолда чигитларни униб чиқиши, ўсимликларни ўсиши ва ривожланишига таъсирини ўрганиш;

тупроққа ишлов беришда ресурстежамкор агротехнологияни қўллашнинг ғўза ҳосилдорлиги ва пахта толасининг сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

тупроққа асосий ишлов беришда янги Илғор-1 агрегати ёрдамида ресурстежамкор агротехнологияни қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида қадимдан суғорилиб келинаётган оч тусли бўз тупроқ, ғўзанинг ЎзПТИ-201 нави, тупроққа минимал ишлов беришнинг янги такомиллашган Илғор-1 агрегати олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тупроққа ишлов бериш усуллари, экиш тизимлари, кўчат қалинлиги, маъданли ўғитлар меъёри, суғориш усуллари, тупроқнинг агрохимёвий, агрофизикавий ва сув-физик хоссалари, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлиги, сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг услублари.** Тадқиқотда кузатув ва таҳлиллар ПСУЕАИТИда қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш” услубномаси асосида, тажриба вариантларида тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва микробиологик хоссаларини ўрганиш “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” услубий қўлланмалари бўйича, олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги умумқабул қилинган Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” қўлланмаси ёрдамида математик-статистик таҳлил Microsoft Excel компьютер дастури асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида янги такомиллашган Илғор-1 агрегати ёрдамида тупроққа минимал ишлов беришнинг оддий усулда ишлов беришга нисбатан самарадорлиги аниқланган;

турли комбинацияли минимал ишлов беришнинг тупроқ агрохимёвий ҳамда агрофизикавий хоссаларига таъсири аниқланган;

ғўзанинг ЎзПТИ-201 навини экиш усуллари, маъдан ўғитлар билан озиклантириш меъёрлари ва суғориш тартиблари, кўчат қалинликлари тупроққа минимал ишлов беришнинг янги такомиллашган технологиясига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган;

янги такомиллашган Илғор-1 агрегати ёрдамида тупроққа минимал ишлов бериш технологиясининг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ҳамда ушбу технологиянинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Тупроққа минимал ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган технологияси қўлланилиб, ғўзани суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–75–60% тартибида суғорилганда амал даври давомида 10–12 кунгача намлик сақланиб, ЎзПТИ-201 ғўза навини суғориш сонини 1,5–2,0 мартагача қисқартиришга эришилган.

ЎзПТИ-201 ғўза навини қўшқатор усулида парваришлашда тупроққа минимал ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган технологияси қўлланилганда кўчат қалинлиги ўртача 3 йилда 135,8 ва 155,2 минг туп/га ни ташкил этиб, маъдан ўғитларни  $N_{250}P_{175}K_{125}$  кг/га меъёрларда қўлланилиб, ғўзани суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–60% суғориш тартибида суғорилганда пахта ҳосили 37,0 ва 39,2 ц/га ни, назорат вариантларга нисбатан қўшимча пахта ҳосили 4,5 ва 5,5 ц/га ни, ялпи даромад 5559854 сўм/га ни ташкил этган ва гектаридан 1709174 сўм соф фойда олинган. Рентабеллик даражаси 44,4 фоизни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Дала ва лаборатория тажрибаларини бажаришда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги, тажрибада олинган маълумотларни математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги, илмий ва амалий натижаларни бир-бирига мослиги, мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланганлиги ва амалиётга жорий этишга тавсия қилинганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида тупроққа минимал ишлов беришнинг янги такомиллашган ресурстежамкор технологиясининг қўллаш натижасида тупроқнинг агрофизикавий, сув-физикавий хоссаларини яхшиланганлиги, тупроқнинг озика тартиби ва унумдорлиги ижобий томонга ўзгариши ғўзанинг ЎзПТИ-201 навидан эртаки, юқори ва сифатли ҳосил олишда мақбул кўчат қалинлиги, озиклантириш ва суғориш меъёрларини илмий асосда яратилганлиги, шунингдек ушбу агротехнологиянинг анъанавий усулга нисбатан рентабелли эканлигининг исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, оч тусли бўз тупроқларга минимал ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган технологияси асосида ғўзани ЎзПТИ-201 навини қўшқатор экиб суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–75–60% тартибда суғориш ва маъдан ўғитларни  $N_{250}P_{175}K_{125}$  кг/га меъёрларда қўллаш асосланган ва ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги ушбу тавсияномаларни ишлаб чиқариш шароитларида қўлланиши эвазига фермер хўжаликларида пахта ҳосили

ошиб, юқори самарадорликка эришиш мумкинлигини исботланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оч тусли бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг ЎзПТИ-201 навини ҳосилдорлигини оширишда Илғор-1агрегати ёрдамида тупроққа минимал ишлов беришнинг агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ЎзПТИ-201 ғўза навини парваришlashда тупроққа минимал ишлов бериш технологиясини қўллаш ва тупроқ унумдорлигини сақлаш бўйича “Фарғона водийсида ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда ресурстежамкор технологиялар бўйича тавсиянома” ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 14- августдаги №02/020-1771 сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома вилоят ва туман қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари, кўп тармоқли фермер хўжаликларида қўлланма сифатида кенг фойдаланилмоқда;

ғўза парваришlashда тупроққа ишлов беришнинг ресурстежамкор агротехнологияси Андижон вилояти Олтинқўл туманида 15,0 гектар майдонда жорий қилинди (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 14- августдаги №02/020-1771 сонли маълумотномаси). ЎзПТИ-201 ғўза навини парваришlashда тупроққа ишлов беришни ресурстежамкор агротехнологиясидан фойдаланиб, кўчат қалинлиги 158,9 минг туп/га, маъдан ўғитларни  $N_{250}P_{175}K_{125}$  кг/га меъёрларида ва суғоришни ЧДНС га нисбатан 70–75–60% тартибда ўтказилганда 4–5 ц/га қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган;

тупроққа Илғор-1 агрегати ёрдамида асосий ишлов беришнинг минимал усулидан фойдаланиш орқали ғўзадан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияси Андижон вилоятининг Андижон туманида 18,0 гектар ҳамда Марҳамат туманида 16,0 гектар майдонда жорий қилинган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 14- августдаги №02/020-1771 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида фермер хўжаликларида 41,8 ц/га ёки тупроққа анъанавий усулда ишлов беришга нисбатан 4 ц/га қўшимча пахта ҳосили етиштирилиб, 1251112 сўм/га соф фойда олинган, рентабеллик даражаси 36,3 фоизни ташкил қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ҳар йили ЎҚХИИЧМ, собиқ АндҚХИ ва ПСУЕАИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари Республика ва Халқаро илмий анжуманларида 6 марта маъруза қилинди.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий мақола чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек 1 та патент олинган ва 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертация ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“ Турли тупроқ-иқлим шароитларида тупроққа ишлов бериш усуллари бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, шунингдек хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Республиканинг суғориб деҳқончилик қилинаётган ерларида экиб келинаётган ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда тупроқнинг унумдорлиги, агрофизикавий ва агрохимёвий хусусиятлари асосида меъёрий агроомиллар: гектар ҳисобига аниқ кўчат қолдириш, мақбул суғориш ва маъданли ўғитлар меъёрларини тўғри белгилаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар юзасидан маълумотлар келтирилган.

Шунингдек, тадқиқот мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, тупроққа турли усулларда асосий ишлов бериш суғорилиб деҳқончилик қилинадиган тупроқлар шароитида пахтадан юқори ҳосил етиштиришда энг муҳим омиллардан бири эканлиги кўрсатиб ўтилган бўлиб, айни пайтда тупроққа асосий ва экиш давригача ишлов бериш технологиялари Республика деҳқончилигида, хусусан пахтачиликда долзарб вазифага айланганлиги ҳамда тупроққа асосий ва экиш давригача ишлов беришнинг янги илғор ҳамда минимал агротехнологияларни ишлаб чиқишни тақозо этиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Фарғона водийсининг шарқий қисмига жойлашган Андижон вилояти ўзига хос табиий иқлим шароитга эга эканлиги, вилоят Шарқда Чотқол ва Фарғона тоғ тизмалари ва текисликлари билан, эканлиги кўрсатиб ўтилган. Жанубий қисми эса Олой ва Туркистон тоғ тизмаларидан иборат.

Вилоятда ёғингарчилик миқдори ғарбдан шарққа қараб ортиб бориши ғарбий қисмида ҳаво жуда қуруқ бўлиши, ёғингарчиликнинг 70–75% га яқини қиш ва баҳор ойларига тўғри келиши қайд этилган. Шу сабабли вилоятда эрта баҳорги ва кузги ҳаво хароратининг мўътадил сақланиши

туфайли ғўза ва бошқа экинларнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит мавжуд эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Амал даврида суткалик ўртача ҳарорат чўл зоналарида  $+23,5^{\circ}\text{C}$ , оч тусли бўз тупроқли ерларда  $+21,6-22,6$  ва типик бўз тупроқли ерларда  $+20,4-21,6^{\circ}\text{C}$  даражани ташкил этади. Совуқсиз кунлар 194–214 кунгача давом этиб, самарали ҳарорат йиғиндиси (1 апрелдан 1 октябр гача)  $2027-2620^{\circ}\text{C}$  гача етиши баён қилинган. Ўртача йиллик ёғин миқдори типик бўз тупроқли ерларда 350 мм, оч тусли бўз тупроқли ерларда 240 мм ва чўл минтақаларда 100 миллиметрни ташкил қилиши аниқланган.

Дала тажрибалари Андижон вилоятининг Асака туманида ПСУЕАИТИ Андижон илмий-тажриба станциясида ўтказилган. Хўжаликнинг рельефи вилоятнинг марказий қисмига ҳос паст текислик, иқлими кескин беқарор, қиши совуқ, ёзи иссиқ. Январ ойидаги совуқ  $-29^{\circ}\text{C}$  гача, июл ойидаги иссиқ  $+42^{\circ}\text{C}$  гача бўлиши мумкин. Йиллик ўртача ёғин миқдори 225 миллиметр ни ташкил қилиши қайд этилди.

Дала тажрибалари 2015–2017 йилларда асосан Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ПСУЕАИТИ Андижон илмий-тажриба станциясида ўтказилган бўлиб, тажриба 12 вариант (8 қатор) 3 қайтариқдан иборат бўлиб, ҳар бир вариантнинг умумий майдони  $400\text{ м}^2$ , ҳисоб майдони  $200\text{ м}^2$  ни ташкил этган.

Дала ва лабораториядаги илмий изланишлар ПСУЕАИТИ да қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) қўлланмаси асосида олиб борилган. Тажриба даласидан амал даври боши ва охирида тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30-50 см) қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, унда умумий чиринди миқдори И.В.Тюрин, умумий азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.П.Гриценко ва И.М.Мальцеванинг такомиллашган услубларида, нитратли азот миқдори ионометрик усулда, ҳаракатчан фосфор М.П.Мачигин, алмашинувчи калий оловли фотоколорометрда П.В.Протасов усулларида аниқланганлиги кўрсатилган. Тажриба даласи тупроғининг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссалари ўзгаришини аниқлашда “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” (1963) қўлланмасидан фойдаланилган бўлиб, тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклиги Н.А.Качинский усулида, сув ўтказувчанлик цилиндр усулида аниқланди.

Тажрибада суғориш меъёрлари “Чипполетти” сув ўлчагичи ёрдамида ҳисобланган, маъдан ўғитлардан аммиакли селитра, суперфосфат, калий хлорид қўлланилган. Кўчат қалинликлари ҳар йили амал даври бошида ягоналашдан кейин, амал даври охирида 3 қайтариқда барча вариантларда ҳисобланган. Ғўзани бўйи, барглар сони, ҳосил шохлари, кўсақлар сони ва очилиши ҳисобга олиб борилган ва бир чанокдаги очилган пахта вазни ҳар терим олдида ўлчаб аниқланган. Пахта ҳосили барча вариант ва қайтариқларда теримлар бўйича аниқланиб, толанинг технологик кўрсаткичлари ПСУЕАИТИ нинг технологик лабораториясида таҳлил қилинган. Олинган пахта ҳосили маълумотларига Б.А.Доспехов (1985)

усулида математик ишлов берилиб, ғўза навларига қўлланилган агротехник тадбирларнинг иктисодий самарадорлигини аниқлашда “Методика определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов научных исследований” қўлланмасидан фойдаланилган.

Диссертациянинг **“Ресурстежамкор, комбинацияли минимал ишлов бериш агротехнологиясининг тупроқнинг агрокимёвий, агрофизикавий ва сув-физик хоссаларига ҳамда истеъмол қилинган сув миқдорларига таъсири”** деб номланган учинчи бобида тажриба даласи тупроқларининг агрокимёвий, агрофизикавий, сув-физик хосса ва хусусиятлари батафсил ёритилган.

Тупроққа минимал ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган технологияси тупроқ агрофизикавий ва агрокимёвий хусусиятларига ижобий таъсири натижасида ўсимликларни жадал ўсиб ривожланиши учун назорат вариантларга нисбатан қулай тупроқ шароити вужудга келганлиги қайд этилган.

Тажриба даласининг дастлабки агрокимёвий хусусияти таҳлил қилинганда, тупроқнинг 0-30 см хайдов қатламида гумус миқдори 0,790%, ялпи азот 0,084%, умумий фосфор 0,142%, ҳаракатчан шаклдаги  $N-NO_3$  18,8 мг/кг, ўзлаштириладиган фосфор 28,1 мг/кг ва алмашинувчи калий 200 мг/кг ни ташкил этган бўлиб, тажриба даласи озика моддалар билан кам таъминланган тупроқлар гуруҳига кириши аниқланган.

Тупроққа комбинацияли агрегат ёрдамида ишлов бериш технологиясида озика моддалар миқдори кўпаймаган бўлсада, ўғитлаш меъёрлари ва суғориш тартибларидан қатъий назар амал даври бошидаги даражасида сақланиб қолганлиги аниқланган.

Тупроққа янги такомиллашган минимал технологиясида ишлов берилган ЎзПИТИ-201 ғўза навининг шоналаш даврида маъдан ўғитларни  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га ва  $N_{250}P_{175}K_{125}$  кг/га меъёрларда қўлланилган ҳамда ЧДНС га нисбатан 70–75–60% тартибда суғорилган вариантларнинг (9–10 ва 11–12 вариантлар) тупроқ таркибидаги нитратли азот миқдорлари 0–30 см қатламда 20,44 ва 22,98 мг/кг ни, ҳаракатчан фосфор 28,22 ва 27,68 мг/кг, гуллаш ва ҳосил тўплаш даврларида тегишли равишда 42,97 ва 43,66; 44,69 ва 42,55 мг/кг ни ташкил қилган. Бу эса ерни одатдаги 30–35 см чуқурликда ҳайдалган назорат вариантга нисбатан (7-вариант) ғўзанинг шоналаш даврида нитратли азот 6,21 ва 8,75, ҳаракатчан фосфор 5,35 ва 5,00 мг/кг, гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида ҳаракатчан азот 4,79 ва 5,48 мг/кг, ўзлаштириладиган фосфор 5,81 ва 3,67 мг/кг гача кўп бўлганлигини кўрсатди.

Тадқиқот натижаларига қараганда, озик моддаларнинг ҳаракатчан шаклларида ҳам юқоридаги қонуниятлар қайд этилиб, тупроққа минимал ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган технологияси асосида ер тайёрлаб экилган ЎзПИТИ-201 ғўза навини тупроқнинг ЧДНС га нисбатан 65–75–60% ва 70–75–60% тартибларида суғорилиб, маъдан ўғитларни


$N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га ва  $N_{250}P_{175}K_{125}$  кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларида ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши босқичларида ўзига хос мақбул тупроқ шароити вужудга келганлиги қайд этилган. Жумладан, иккала суғориш тартибларида ҳам маъдан ўғитлар меъёрлари ғўза навининг ўсув даврида турлича таъсир доирасида бўлиб, ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплашида турлича натижалар олинган. Бунда айниқса, тупроққа янги такомиллашган минимал технологияда ишлов беришнинг ижобий таъсири натижасида, тупроқ таркибида ҳосил бўлган ҳаракатчан озика моддалар миқдори муҳим аҳамият касб этиб, ғўза навларининг бутун ўсув давридаги ўсиш, ривожланиш даражасини ва ҳосил салмоғини белгилаганлиги аниқланди.

Тупроққа янги такомиллашган минимал ишлов бериш технологиясида тупроқ майдаланиб, донадор ва майин ҳолатга келтирилган пушталарда етарли тупроқ намлигида нитрификация жараёнларининг тезлашуви натижасида амал даврининг охирида ҳам озика моддалар билан бойиган тупроқ ҳолати сақланиб қолганлиги сабабли ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши назорат вариантларга нисбатан жадал сурада бўлганлиги кузатилди.

Тупроққа такомиллашган комбинацияли Илғор-1 агрегати ёрдамида минимал ишлов берилган вариантларда тупроқ ҳажм массаси 0–30 ва 30–50 см қатламларига тегишли равишда ғўзани ЧДНС га нисбатан 65–65–60 % тартибда суғорилган вариантларда амал даврини бошидаги кўрсаткичга нисбатан (2015 йилда) 0,08 ва 0,11 г/см<sup>3</sup> га, одатдаги 30-35 см чуқурликка ҳайдалган вариантга (назорат) нисбатан 0,08 г/см<sup>3</sup> га, комбинацияли агрегат ёрдамида ишлов бериш технологиясига (назорат) нисбатан 0,05 ва 0,02 г/см<sup>3</sup> га камайган. ЧДНС га нисбатан 70–75–60 % суғориш тартибида суғорилган вариантларда 0,11 г/см<sup>3</sup> ва 0,13 г/см<sup>3</sup> га, қатор ораси 105 см кенгайтирилиб тупроққа комбинацияли ишлов бериш технологиясига (назорат) нисбатан иккала тупроқ қатламида ҳам 0,02 г/см<sup>3</sup> га камайганлиги кузатилган. Тупроққа такомиллашган комбинацияли Илғор-1 агрегати ёрдамида минимал ишлов берилган технология одатдаги 30–35 см чуқурликда ҳайдалган ва тупроққа комбинацияли агрегат ёрдамида ишлов бериш технологиясига (назорат) нисбатан устунроқ эканлиги маълум бўлди.

Тупроқни ғоваклик ҳусусиятлари баҳордан кузга томон камайиб бориб, тупроққа такомиллашган комбинацияли Илғор-1 агрегати ёрдамида минимал ишлов берилган технологияда амал даври бошида 2016 йилда 53,3 ва 53,0 фоизни ташкил этиб, одатдаги 30-35 см чуқурликда ҳайдалган назорат вариантга нисбатан 1,1 ва 1,8 фоизга, қатор ораси 105 см кенгайтирилган тупроққа комбинацияли ишлов бериш технологияси (назорат вариант)га нисбатан 0,4 ва 0,7 фоиз ошганлиги кузатилган. Амал даври охирига келиб, ғўзани ЧДНС га нисбатан 65–65–60 % тартибда суғорилган вариантларда амал даври бошига нисбатан 0-30 ва 30–50 см тупроқ қатламларини ғоваклиги 2016 йилда 3,7 ва 2,6 фоизга камайиб, 49,6 ва 50,4 фоизни ташкил этиши аниқланган. Одатдаги 30–35 см чуқурликда ҳайдалган ва қатор ораси 105 см кенгайтирилган тупроққа комбинацияли ишлов берилган технологиядаги назорат вариантыга нисбатан тупроқнинг ғоваклик ҳусусияти

2016 йилги шароитда тупроқ қатламларида тегишли равишда 3,8 ва 3,7; 1,9 ва 3,0 фоизга камайди. (1- расм)




**1-расм. Тупроққа асосий ишлов бериш усуллари тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклигига таъсири.**

Тупроққа минимал ишлов беришнинг такомиллаштирилган янги технологиясида амал даврининг бошида тупроқнинг 6 соат давомидаги сув ўтказучанлик қобилияти  $817,5 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ташкил қилиб, одатдаги 30–35 см ҳайдалган назорат вариантыга нисбатан  $130,8 \text{ м}^3/\text{га}$ , тупроққа комбинацияли агрегат ёрдамида ишлов бериш технологиясига (назорат) нисбатан  $15,5 \text{ м}^3/\text{га}$  кўпроқ сув сингиганлигини кўрсатди. Сув ўтказувчанлик бўйича бундай қонуният кейинги амал даври охиридаги кузатувларда ҳам қайд қилиниб, тупроққа минимал ишлов беришнинг такомиллаштирилган янги технологияси 2016 йилда ҳам тупроққа ишлов бериш хусусиятлари жиҳатидан бошқа технологияларга нисбатан устунлиги кўрсатиб ўтилган.

Тупроққа такомиллашган комбинацияли “Илфор-1” агрегати ёрдамида минимал ишлов берилган технология одатдаги 30-35 см чуқурликда ҳайдалган ва тупроққа комбинацияли агрегат ёрдамида ишлов бериш технологияси қўлланилганда ва ғўзани суғориш олди тупроқни намлиги ЧДНС га нисбатан 65–65–60% ва 70–75–60% бўлганда 0–30 ва 30–50 см қатламида тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклигининг ўзгариши орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликни борлиги Доспехов (1979) математик услуги бўйича аниқланди. Математик ҳисоблашларга кўра, дисперцион таҳлил натижалари ушбу кўрсаткичлар орасида ўзаро юқори даражада тесқари корреляцион боғлиқлик борлигини маълум бўлган. Жумладан, иккала кўрсаткич орасидаги корреляция коэффициенти  $r = -0,934$  га тенг бўлган. (1-расмга қаранг).

Жумладан, амал даврининг охирида тупроқнинг ЧДНС га нисбатан 65–65–60% тартибда суғорилганда одатдаги 30–35 см чуқурликда ҳайдалган назорат вариантга нисбатан 216,4 м<sup>3</sup>/га, тупроққа комбинацияли агрегат ёрдамида ишлов бериш технологиясидаги назорат вариантга нисбатан 84,9 м<sup>3</sup>/га кўпроқ сув сингиши кузатилган. Суғоришни ЧДНСга нисбатан 70–75–60% тартибда ўтказилган ва ерни одатдаги 30–35 см чуқурликда ҳайдалганда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 176,4 м<sup>3</sup>/га, катор ораси 105 сантиметрга кенгайтирилиб тупроққа комбинацияли агрегат ёрдамида ишлов берилганда эса 73,5 м<sup>3</sup>/га га пасайганлиги аниқланди (2-расм).



**2-расм. Асосий ишлов бериш усуллари унинг тупроқ сув ўтказувчанлик қобилиятига таъсири (ғўза амал даврининг охири, 2015–2017 йиллар)**

Тажрибанинг 2015 йилги шароитида назорат вариантларнинг суғориш муддатлари ва меъёрларини таҳлилига қараганда, ғўзанинг суғориш олди тупроқ ЧДНС га нисбатан 65–65–60 % тартибда 4 марта суғорилиб, суғоришлар оралиғи 25, 21, 31 кунни, суғориш меъёри ўртача 1072 м<sup>3</sup>/га ни, мавсумий суғориш меъёри эса 4289 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилган. Ғўзани ЧДНС га нисбатан 70–75–60 % тартибда суғорилганда суғоришлар оралиғи 18, 16, 17, 32 кунга суғориш меъёри ўртача 1005 м<sup>3</sup>/га тенг бўлган ва 5 марта суғорилган. Мавсумда жами 5025 м<sup>3</sup>/га сув сарфланганлиги баён қилинган.

Тупроққа ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган минимал технологиясида ЎзПТИ-201 ғўза нави чигитлари қўшқатор схемаси усулда экилиб, гектарига 155,2 минг туп/га кўчат қолдириши, унда маъдан ўғитларни N<sub>250</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub> кг/га меъёрларда қўллаш ҳамда суғоришни ЧДНС га нисбатан 70–75–60 % тартибда 1–2–1 тизимда ўтказиш мақбул ҳисобланиб, маъдан ўғитлар ва сув тежовчи агротадбир эканлиги қайд этилган.

Диссертациянинг “**Тупроққа асосий ишлов бериш усуллари**нинг **ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири**” деб номланган тўртинчи бобида тупроққа ресурстежамкор, комбинацияли минимал ишлов бериш агротехнологиясининг ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири бўйича ўтказилган тажриба натижалари ёритилди.

Ўртача 3 йиллик натижаларга кўра, тупроққа ишлов беришнинг одатдаги 30–35 см чуқурликда ҳайдаш технологияси қўлланилган назорат вариантыда гектарига 104,2 ва 104,4 минг туп/га; тупроққа комбинацияли ишлов берилган вариантларда 115,5 ва 116,8 минг туп/га ва тупроққа янги такомиллаштирилган минимал технологияда ишлов берилган вариантларда 134,3–136,8 минг туп/га, 155,2–156,3 минг туп/га кўчат сонини ташкил қилиб, назарий кўчатлар сонига нисбатан 96-98 % кўчат қалинликларига эришилган.


Тупроққа янги Илғор-1 агрегати ёрдамида минимал ишлов бериш технологиясининг ижобий хусусиятлари тупроқнинг ЧДНС га нисбатан 70-75-60% тартибда суғорилган вариантларда тўлиқ намоён бўлган. Чунки, бу вариантларда ЎзПИТИ-201 ғўза навини ҳосил пишиш давригача 70–75% чекланган дала нам сифимида суғорилганлиги ва тупроқни суғориш олди намлиги 70% намликда сақланганлиги боис янги технологиянинг таъсирида тупроқнинг ҳажм массаси, ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги каби физик хусусиятларини яхшиланганлиги, шунингдек, азотли, фосфорли ва калийли озик моддалар билан етарли даражада таъминланганлиги боис бу вариантлардаги ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаш жараёнлари бошқа вариантларга нисбатан юқори даражада бўлиб, мўл ва сифатли ҳосил тўплашга эришилган. Тупроққа янги такомиллаштирилган минимал технологияда ишлов берилган тупроқ шароитида ўсимликларни жадал ўсиб ривожланиши учун тупроқ намлиги, ҳарорати, қулай сув-физик ва озик моддалар билан бойиган қулай тупроқ шароитини мавжудлиги туфайли иккала суғориш тартибида ҳам бу вариантларнинг ҳар иккала ўғитлаш муҳитида ҳам тупроққа ишлов беришнинг одатдаги 30–35 см чуқурликда ҳайдаш технологиясидаги ва қатор ораси 105 сантиметрга кенгайтирилган тупроққа комбинацияли ишлов берилган назорат вариантларга нисбатан юқори натижалар олинган.

Тупроққа асосий ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган минимал технологияси фонида ғўзани ЧДНС га нисбатан 70–75–60% тартибда суғорилган вариантларда янги технологиянинг ижобий хусусиятлари туфайли тупроқ намлиги энг узоқ сақланган, маъдан ўғитлар самарадорлиги юқори бўлган, озик моддалар билан етарли даражада таъминланган тупроқ шароитини вужудга келтирган. Натижада, бу вариантларида ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши тупроққа ишлов беришнинг одатдаги 30-35 см чуқурликда ҳайдаш технологияси ва тупроққа комбинацияли ишлов берилган назорат вариантларга нисбатан тезлашиб, ҳосилга кириш жараёни айниқса кўчат қалинликлари 150–155 минг туп/га бўлган вариантларда эрта бошланганлиги сабабли эртаки ҳосил элементлари ва кўсакларининг кўпайиши кузатилган. Шунингдек, бу вариантларда пахта ҳосилини назорат вариантга нисбатан 3–4

кун эрта, ғўзанинг ЧДНС га нисбатан 65–65–60 % тартибда суғорилган вариантларга нисбатан 1-2 кун фарқ билан пишиб етилишини таъминлаган.

Уч йиллик тадқиқот натижаларига қараганда, тупроққа асосий ишлов бериш усуллари, маъдан ўғитлар меъёрлари, суғориш тартиблари ва кўчат қалинлигига кўра пахта ҳосили турлича бўлганлиги кўрсатилди. (3-расм)

ЎзПИТИ-201 ғўза нави тупроққа ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган минимал технологиясида пушталарга қўшқатор қилиб экилганда, 3 йилда гектарига ўртача 135,5 ва 156,3 минг туп/га кўчат қалинлигида маъдан ўғитларни  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёрларда қўлланилган ва ЧДНС га нисбатан 70–70–60 % тартибда суғорилган вариантларнинг 3 йилдаги ўртача пахта ҳосили 34,6 ва 36,9 ц/га ни ташкил этди.



2015 йил –  $HCP_{05} - 2,01\%$ , 2016 йил –  $HCP_{05} 1,93\%$  2017 йил  $HCP_{05} - 1,59\%$

### 3-расм. Тупроққа асосий ишлов бериш усуллари, маъдан ўғитлар меъёрлари, суғориш тартиблари ва кўчат қалинлигининг пахта ҳосилига таъсири (ўртача 3 йилда)

Ғўзанинг суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–70–60 % суғориш тартибида тупроққа одатдаги 30–35 см чуқурликда ҳайдаб ишлов берилганда 3 йилда гектарига ўртача 104,4 минг туп/га кўчат қалинлигида маъдан ўғитларни  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёрларда қўлланилган назорат вариантга нисбатан тупроққа янги такомиллаштирилган минимал технологияда ишлов берилган вариантлардаги тупроқ таркибида озик моддаларнинг миқдорини йилдан-йилга кўпайиб борганлиги ва тупроқнинг бошқа хусусиятларини яхшиланиши ҳисобига 3,2 ва 4,0 ц/га қўшимча пахта ҳосили етиштирилди.

Ғўзанинг ЎзПИТИ-201 навини пушталарга қўшқатор экилганда, гектарига 155,2 минг туп кўчат қолдирилган ва маъдан ўғитларни  $N_{250}P_{175}K_{125}$

кг/га меъёрларда қўлланилиб суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–75–60% тартибда суғорилган вариантда тупроққа янги такомиллаштирилган минимал ишлов бериш технологияси тупроққа одатдаги 30–35 см чуқурликда хайдаб ишлов берилган ва қатор ораси 105 см кенгайтирилган ҳолда тупроққа комбинацияли ишлов берилган технологияда азотни 200 кг/га йиллик меъёрини аммиак шаклида қўшқатор остига қўлланилган назорат вариантга нисбатан юқори даражада озика моддалар билан таъминланган ва тупроқ намлигини узокроқ сақлаш хусусиятига эга бўлган қулай тупроқ шароитини яратилиши ҳисобига гектаридан 4,5–5,0 ц қўшимча пахта ҳосили етиштириш имконини берди.

ЎзПИТИ-201 ғўза навини пушталарга қўшқатор қилиб экилиб гектарига 156,2 минг туп/га кўчат қолдирилган ва маъдан ўғитларни  $N_{250}P_{175}K_{125}$  кг/га меъёрларда, суғоришни ЧДНС га нисбатан 70–75–60% тартибда ўтказилган вариантларда микронеър 4,3 эга бўлган энг юқори сифатли тола олиш имконияти яратилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг **“Тупроққа ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган минимал технологиясининг иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган бешинчи бобида тажрибадаги турли агротадбирлар таъсирида ҳар қайси вариантлардан олинган иқтисодий самарадорлик бўйича маълумотлар келтирилган.

Чигит қўшқатор усулда экилиб, гектарига 156,3 минг туп/га кўчат қалинлигида маъдан ўғитларни  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёрларда қўлланилган ҳамда ғўзани ЧДНС га нисбатан 70–75–60 % тартибда суғорилган вариантда пахта ҳосили ўртача 37,7 ц/га ни ташкил этиб, тупроққа одатдаги 30–35 см чуқурликда хайдаб ишлов берилган ЎзПИТИ-201 ғўза навини гектарига 104,2 минг туп кўчат қалинлигида маъдан ўғитларни  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёрларда қўлланилган назорат вариантга нисбатан 4,0 ц/га ошган. Қатор ораси 105 см кенгайтирилган ҳолда тупроққа комбинацияли ишлов берилган технологияда азотни 200 кг/га йиллик меъёрини аммиак шаклида пушта остига солинган назорат вариантга нисбатан 3,1 ц/га қўшимча пахта ҳосили етиштирилган вариантда ҳам юқори иқтисодий самара қайд қилинган бўлиб, бу вариантдан олинган ялпи даромад 5347104 сўм/га ни ташкил этган, ва гектаридан 1421869 сўм соф фойда олинган.

Назорат вариантга нисбатан 527720 сўм соф фойда олинган ҳолда, рентабеллик даражаси 36,2 фоизни ташкил этган тупроққа минимал такомиллашган ишлов берилган вариант ҳам иқтисодий жиҳатдан самарали агротадбир эканлиги аниқланган. Тупроққа одатдаги 30–35 см чуқурликда хайдаб ишлов берилган назорат вариантга нисбатан 527720 сўм, қатор ораси 105 см кенгайтирилган тупроққа комбинацияли ишлов берилган технологияда азотни 200 кг/га йиллик меъёрини аммиак шаклида пушта остига қўлланган назорат вариантга нисбатан эса гектаридан 514770 сўм соф фойда олинган. Тупроққа асосий ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган минимал технологиясида ЎзПИТИ-201 ғўза навини чигитлари қўшқатор усулда экилган ҳамда тупроқнинг ЧДНС га нисбатан

70–75–60% тартибда суғорилган юқори самарали кўрсаткичларга эга бўлган вариантларда рентабеллик даражаси 44,4% гача етган ва тупроқнинг ЧДНС га нисбатан 65–65–60% тартибда суғорилган вариантларга нисбатан бу кўрсаткич 13–17 фоизгача юқори бўлган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Андижон вилояти шароитида тупроққа такомиллашган комбинацияли Илғор-1 агрегати ёрдамида минимал ишлов берилган вариантларда амал даврининг охирида тупроқ ҳажм массаси тупроқ қатламларига тегишли равишда ғўзани ЧДНС га нисбатан 65–65–60 % тартибда суғорилган вариантда амал даврига нисбатан 0,06 ва 0,08 г/см<sup>3</sup> га, одатдаги 30–35 см чуқурликда ҳайдалган вариантга (назорат) нисбатан 0,10 г/см<sup>3</sup> га, қатор ораси 105 см кенгайтирилган тупроққа комбинацияли ишлов бериш технологиясига (назорат) нисбатан эса 0,05 ва 0,08 г/см<sup>3</sup> га камайиб, тегишлича 1,33 ва 1,35 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этган. Тупроқ ғоваклиги мутаносиб равишда назорат вариантга нисбатан 1,1 ва 1,8 фоизга, қатор ораси 105 см кенгайтирилган тупроққа комбинацияли ишлов бериш технологиясига нисбатан 0,4 ва 0,7 % ошганлиги аниқланди.

2. Тупроққа минимал ишлов беришнинг такомиллаштирилган янги технологиясида амал даврининг бошида тупроқнинг сув ўтказучанлик қобляти 6 соатда 817,5 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилиб, одатдаги 30–35 см чуқурликда ҳайдалган назорат вариантга нисбатан 130,8 м<sup>3</sup>/га, қатор ораси 105 см кенгайтирилган тупроққа комбинацияли ишлов берилган назорат вариантга нисбатан 15,5 м<sup>3</sup>/га кўпроқ бўлди.

3. Амал даврининг охирига келиб, тупроққа минимал ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган технологияси қўлланилган вариантларда амал даврининг бошланишидаги миқдорларга нисбатан гумус миқдори 2015 йилда 0,002 ва 0,003 фоиз, 2016 йилда 0,004 ва 0,003 фоиз, 2017 йилда эса 0,003 ва 0,003 фоизгача кўпайганлиги аниқланди.

4. Тупроққа ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган минимал технологияси қўлланган вариантларда одатдаги 30–35 см чуқурликка ҳайдалган назорат вариантыга нисбатан ғўзанинг шоналаш даврида ҳаракатчан нитратли азот 7,78 ва 12,33; ўзлаштириладиган фосфор 6,67 ва 9,21 мг/кг, гуллаш ва ҳосил тўплаш давларида ҳаракатчан азот 10,33 ва 8,54; ўзлаштириладиган фосфор 5,10 ва 8,9 мг/кг, қатор ораси 105 см кенгайтирилган тупроққа комбинацияли ишлов берилган назорат вариантга нисбатан мос равишда 6,36 ва 10,90; 9,38 ва 7,59 мг/кг кўпайди.

5. Тупроққа минимал ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган технологиясида ЎзПТИ-201 ғўза навини маъдан ўғитларни N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> ва N<sub>250</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub> кг/га меъёрларида парваришланган ҳолда ЧДНС га нисбатан 70–75–60% тартибда суғорилганда, одатдаги 30–35 см чуқурликка ҳайдалган технологиядаги назорат вариантларига нисбатан тупроқ намлигини кунлик буғланишини икки бараварга камайтириб, ўртача уч йилда 0,45 фоизни, назорат вариантыда эса 0,95 фоизни ташкил этди. Шунингдек, янги

технология одатдаги 30–35 см чуқурликда ҳайдалган технологияга нисбатан ғўзани суғориш муддатларини 10–12 кунга узайишини ҳамда суғориш сонини 1,5–2,0 марта қисқаришини таъминлади.

6. Тупроққа янги такомиллашган комбинацияли “Илғор-1” агрегати ёрдамида минимал технологияда ишлов бериш натижасида олинган пушталарга чигитлар қўшқатор экилган, 156,3 минг туп/га кўчат қалинлигида маъдан ўғитларни  $N_{200}P_{140}K_{100}$  меъёрларда ва 155,2 минг туп/га кўчат қалинлигида маъдан ўғитларни  $N_{250}P_{175}K_{125}$  меъёрларда қўлланилган ҳамда ғўзани тупроқнинг ЧДНС га нисбатан 70–75–60 % тартибда суғорилган вариантларда тегишлича 37,7 ва 39,8 ц/га пахта ҳосили олинган, 1 ц пахта ҳосили учун 103,7 ва 99,8 м<sup>3</sup>/га сув сарфланганлиги аниқланди.

7. ЎзПИТИ-201 ғўза навини тупроққа ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган минимал технологиясида пушталарга қўшқатор қилиб экилган, гектарига ўртача 3 йилда 135,8 ва 155,2 минг туп кўчат қалинлигида маъдан ўғитларни  $N_{250}P_{175}K_{125}$  кг/га меъёрларда қўлланилган ва тупроқнинг ЧДНС га нисбатан 70–75–60% тартибда суғорилган вариантларда ўртача пахта ҳосили 37,0 ва 39,2 ц/га ни ташкил этди. Тупроққа одатдаги 30–35 см чуқурликда ҳайдаб ишлов берилган вариантга нисбатан мос равишда 4,5 ва 5,5 ц/га кўшимча пахта ҳосили етиштирилди. Қатор ораси 105 см кенгайтирилган тупроққа комбинацияли ишлов берилган технологияда 200 кг/га азотли ўғитни аммиак шаклида пушта остига солинган назорат вариантга нисбатан эса 2,4 ва 4,6 ц/га кўшимча пахта ҳосили етиштирилди.

8. Тупроққа Илғор-1 агрегати ёрдамида ишлов беришнинг янги такомиллаштирилган минимал технологиясида ЎзПИТИ-201 ғўза навини чигитлари қўшқатор усулда экилган, гектарига 155,2 минг туп/га кўчат қалинлигида маъдан ўғитларни  $N_{250}P_{175}K_{125}$  кг/га меъёрларда қўлланилган ҳамда тупроқнинг ЧДНС га нисбатан 70–75–60% тартибда суғорилган вариантдан 5559854 сўм/га ялпи даромад олиниб гектаридан 1709174 сўм соф фойда олинди ҳамда рентабеллик даражаси 44,4 фоизни ташкил этиши исботланди.

9. Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва оширишда ҳамда ЎзПИТИ-201 ғўза навидан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш учун тупроққа такомиллашган комбинацияли “Илғор-1” агрегати ёрдамида минимал ишлов бериб, ғўзани қўшқатор 90х(30х12)-1 усулида гектарида 155-158 минг туп кўчат қолдириб, маъдан ўғитларни гектарига  $N_{250}P_{175}K_{125}$  кг меъёрлари қўллаш, ғўзани суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–75–60 % тартибда 1–2–1 тизимида суғориш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И  
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА  
АНДИЖАНСКИЙ ФИЛИАЛ  
ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО АГРАРНОГО  
УНИВЕРСИТЕТА**

**АБДУРАХМОНОВ ИЛХОМЖОН АДХАМОВИЧ**

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩЕЙ  
АГРОТЕХНОЛОГИИ КОМБИНАЦИОННОЙ МИНИМАЛЬНОЙ  
ОБРАБОТКИ ПОЧВЫ ПРИ ВОЗДЕЛЫВАНИИ ХЛОПЧАТНИКА**

06.01.01 – Общее земледелие. Хлопководство.

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/Qx254.**

Диссертация выполнена в Андижанском филиале Ташкентского государственного аграрного университета

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.cottonagro.uz](http://www.cottonagro.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

- Научный руководитель:** **Нурматов Шермат Нурматович**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор
- Официальные оппоненты:** **Саломов Шавкат Турабович**  
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник  
**Ибрагимов Одилжон Олимжонович**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор
- Ведущая организация:** **Ташкентский государственный аграрный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro/uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № \_\_\_\_). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro/uz

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.)

**Б.М.Халиков,**  
Заместитель председателя научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

**Ф.М.Хасанова,**  
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., профессор

**Ж.Х.Ахмедов,**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

## **ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в мире одним из основных направлений хлопководства является разработка и внедрения ресурсосберегающих агротехнологий, снижающих производственные затраты для получения высокого и качественного урожая хлопка-сырца, а также повышающие плодородие почвы, хлопчатник высеивается в 84 странах мира на площади 33 млн. гектар, где ежегодно получают более 22,8 млн тонн хлопкового волокна<sup>1. 3</sup>.

В практике мирового сельского хозяйства, принимая во внимание биологические особенности культур, разрабатываются и широко внедряются ресурсосберегающие прогрессивные технологии соответствующие почвенно-климатическим условиям, улучшающие плодородие почвы, в тоже время в результате эффективного использования современной техники, обеспечивают снижение себестоимости производства хлопка-сырца, сохраняют и повышают плодородие почвы, за счет этого получают высокий и качественный урожай сельскохозяйственных культур достигая при этом экономии горюче-смазочных материалов и минеральных удобрений.

